

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

бау-14 гуруҳ талабаси Анваржанов Бахтиёрнинг

“Психалогия” фанидан

ИДРОК ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШИНЧА

РЕФЕРАТИ

Наманган – 2015

Идрок алоҳида муҳим хусусиятларга эга:

Идрокнинг предметлилиги объективлаштириш ҳодисаси, яъни ташқи дунёдан олинадиган ахборотнинг ўша дунёга мансублигидир. ҳатти-ҳаракатни бошқаришда у муҳим роль ўйнайди.

Идрокнинг аҳамиятлилиги. Сизги аъзоларига таъсир қила оладиган нарсаларнинг айрим хусусиятларини акс эттирадиган сезгилардан фарқли ўлароқ, идрок нарсанинг яхлит образи ҳисобланади. Бу яхлит образ нарсаларнинг айрим хусусиятлари ва белгилари ҳақида турли хил сезгилар тарзида олинадиган билимларни умумлаштириш негизида таркиб топади. Идрокнинг яхлитлилиги унинг таркиблилиги билан боғлангандир. Идрок маълум даражада бизнинг бир лаҳзалик сезгиларимизга жавоб бермайди ва уларнинг шунчаки оддий йиғиндиси ҳам эмас. Биз ана шу сезгиларимиздан амалда мавҳумлашган ва бир мунча вақт давомида шаклланадиган умумлашган тузилмани идрок этамиз

Бир қатор маълумотлар шуни кўрсатадики, субъект томонидан идрок этиладиган манзара бир лаҳзалик сезгиларнинг шунчаки оддий йиғиндиси эмас; у кўпинча муайян пайтда ҳатто кўзнинг тўр пардаларида йўқ бўлган, лекин киши гўё олдинги тажриба асосида кўриб тургандаёқ туюладиган қисмларни ҳам ўзида мужассамлаштирган бўлади.

Идрокни таснифлашда ҳамда идрок қилишда иштирок этувчи анализа-торлардаги каби мавжуд фарқларга асосланилади. Идрок этишда қайси бир анализатор устунроқ келганига мувофиқ тарзда

кўриш, эшитиш, пайпаслаб кўриш, кинестезик, ҳидлаш ва таъм билиш йўли билан идрок қилиниши фарқланади

- Идрок қилиш жараёни ўзаро биргаликда ҳаракат қиладиган бир қанча анализаторлар воситасида содир бўлади. ҳаракат сезгилари у ёки бу даражада идрокнинг барча турларида иштирок этади.
- Материянинг мавжуд бўлиш шакллари-фазо, вақт ва ҳаракат идрокни таснифлашнинг бошқа тури учун асос бўлади. Бундай тарздаги таснифлашга биноан фазони, вақтни ва ҳаракатни идрок этиш алоҳида ажратиб кўрсатилади

Фазони идрок қилиниши кишининг узини қуршаб турган муҳитни чамалашнинг муқаррар шартларидан бўлиб, унинг бу муҳит билан ўзаро биргаликдаги ҳаракати катта роль уйнайди. У объектив равишда мавжуд бўлган фазонинг аксини ифода этади ва объектларнинг шакли, ҳажми ва узаро биргаликда жойлашуви, улар сатҳи, олислиги ва йуналишларининг идрок этилишини уз ичига олади

Нарсаларнинг шакллари, ўлчамини, бир-бирларига нисбатан эгаллаган ўрнини у ёқдан бу ёққа кўчиришни аниқлаш ва айни пайтда хусусий гавданинг теварак - атрофдаги нарсаларга нисбатан ҳолатини таҳлил қилиш организмни ҳаракатлануви жараёнида юз беради ва фазодаги таҳлил деб аталувчи аналитик - синтетик фаолиятнинг алоҳида юксак даражада намоён бўлишидан иборатдир. Фазодаги таҳлилнинг турли хилдаги шакллари анализаторлар комплекс фаолиятининг негизида вужудга келади, уларнинг бирортаси ҳам муҳитнинг фазовий омилларини таҳлил қилишда асосий роль ўйнамайди.

Фазони чамалашда ҳаракат анализаторлари алоҳида роль ўйнайди. Турли хилдаги анализаторлар ана шу анализатор воситасида ўзаро биргаликда ҳаракат қила бошлайди. Фазони чамалашнинг махсус

куроллари қаторига анализаторлар фаолиятида ҳар иккала ярим шарлар нерв боғланишларини: биноккуляр кўринишини, терининг бимануаль туюлишини, дириник ҳид билишни ва шу кабиларни киритиш лозим. Нарсаларнинг маконий хусусиятларини акс эттириш-да функционал симметрия муҳим роль ўйнайди. У барча жуфт анализаторларга хос бўлган хусусиятдир. Функционал асимметрия шундан иборатки, анализа-торнинг томонларидан бири маълум бир жиҳатдан етакчилик қилади, устун бўлади. Анализаторларнинг томонлари ўртасидаги муносабатлар уларнинг устун-лик қилиши жиҳатидан олганда ҳаракатчан ва бир хил эмаслиги аниқланди. Жумладан ўткирлигига кўра устунлик қиладиган кўз кўриш майдони ўлчами жиҳатидан етакчи бўла олмаслиги мумкин.

Аккомодация - кўз гавҳарининг эгрилигини ўзгартириш йўли билан унинг аксини синдириб қайтариш қобилиятини ўзгартириш демакдир. Яъни, яқинроқда жойлашган нарсаларга қараганимизда мушакларимизда қисқаришлар юз беради, натижада кўз гавҳари таранглашиши даражаси камаяди ва у янада қабарик шаклга киради. Ёш улғая борган сари кўз гавҳари секин - аста кам ҳаракат қиладиган бўлиб қолади ва мослашув, яъни турлича узоқликдаги нарсаларга қараганда ўз шаклини ўзгартириш қобилиятини йўқотади. Натижада яқинроқдаги нарсалардан кўра узоқроқдаги нарсалар яхшироқ кўрина бошлайди, бу аниқ - равшан кўринадиган яқинроқдаги нукта ёш ўтган сари тобора узоқлашади.

Аккомодация, одатда конвергенция билан, яъни кўриш ўқларини кайд қилинаётган нарсага йўналтириш билан боғлиқдир.

Конвергенция бурчаги бевосита масофа индикатори, яъни ўзига хос масофа ўлчагич сифатида фойдаланилади. Муайян масофа учун конвергенция бурчагини объект олдида жойлаштирилган призмалар ёрдамида ўзгартириш мумкин. Бунда агар конвергенция

бурчаги катталашадиган бўлса, объектнинг кў-риниб турган ўлчами ҳам катталашади, унгача бўлган идрок этилаётган масофа эса қисқаради. Агар призмалар конвергенция бурчаги кичраядиган тарзда жойлаштирилган тақдирда объектнинг кўринадиган ҳажми ҳам кичраяди, унгача бўлган масофа эса ортади.

- Иккинчи кўзгатувчи - нарсанинг тўрпардасидаги тасвири аккомодация ҳамда конвергенция натижасида кўздаги мушакларнинг зўриқиши ўлчамлари бир-бирига мосланган ҳолда бирга қўшилиш идрок этилаётган нарсаларнинг ҳажми ҳақидаги шартли рефлекс тарзидаги сигнал ҳисобланади.
- Вақт ҳам макон сингари материянинг асосий ҳаёт кечириш шаклларида биридир. Вақтнинг идрок қилиш воқелик, ҳодисаларнинг объектив равишда давомийлигини, тезлигини ва изчиллигини акс эттириш демакдир. Объективлик реалликни акс эттирар экан, вақтнинг идрок этилиши кишига ўзининг турган муҳитдан мўлжал олиш имконини беради.
- Одамда вақтни чамалаш мия қобиғи бўлимлари ёрдамида рўй беради. Вақт яхлит бирлик сифатида амал қиладиган тизимга бирлашган бир қатор анали-заторлар ёрдамида идрок қилинади. Вақтнинг идрок этилиши негизини кўзғалиш тормозланишининг ритмик тарзда алмашинуви, марказий нерв тизимида бош миянинг катта ярим шарларида кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг сусайишини ташкил этади.
- Вақтни идрок қилишда турли хил анализаторлар иштирок этади, лекин вақтнинг оралиқларини кинестезик ва эшитиш сезгилари жуда ҳам аниқ ҳисоб-китоб қила олади.

Вақтнинг давомли даврларини идрок этиш кўп жиҳатдан ички кечинмаларнинг хусусияти билан белгиланади. Ҳисқарли, чуқур асосланган

фаолият билан банд қилинган вақт ҳаракатсизлик билан ўтган вақтга нисбатан одатда қисқарок бўлиб туради.

Сенсор ахборотни чеклаш сенсор чекланиш шароитида субъектив тарзда вақт ҳаддан зиёд секин ўтади. Жумладан, доимий равишда бир хилдаги товуш эштиладиган, суст сунъий нур тушиб турган, тактиль ва ҳаракат сезгилар ҳосил бўладиган шароитларда махсус тўшак устидаги баксимон респираторга жой-лашган синалувчи дақиқаларнинг соат каби чўзилиб кетгандек туюлади деб айтган. Лекин кейинчалик берилган ҳисоботларда бунинг тескараси ҳам бўлиши мумкинлиги кўрсатилган: киши ишсизликда ва зерикарли ўтган вақти бир қанча вақтдан кейин эслаганда қисқарок бўлиб туюлиши мумкин. Вақтнинг идрок этилиши ҳиссий ҳолатга боғлиқ равишда ўзгаради. Маъқул келадиган ҳис-ҳая-жонлар ҳаёлда вақтни тез ўтаётгандай қилиб кўрсатади, салбий ҳиссиётлар эса субъектив тарзда вақтни бир оз чўзиб юборади. Ҳаракатнинг идрок қилиниши- объектларнинг фазодаги эгаллаган ҳолати ўзгаришининг акс эттирилишидир. Ҳаракатнинг идрок этилиши ҳаётий муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳаракатни идрок қилишнинг мумкин бўлган иккинчи усули ҳаракатланувчи объектнинг нигоҳи билан кузатиб боришдир. Бунда ҳаракатланувчи объектнинг тасвири кўз тўрпардасига нисбатан озми-кўпми даражада ҳаракатсиз бўлиб қолади, лекин биз барибир объектнинг ҳаракатланганлигини кўрамиз. Бунда кўзларни кузатувчилик ҳаракатлари тўрпарда бўйлаб ўзгартириб турадиган сигналлар мавжуд бўлмаган тақдирда ҳаракатнинг идрок этилишига олиб келиши мумкин.

Юқорида кўрсатилгандек, кўзларнинг ихтиёрий ҳаракати натижасида тас-вирларнинг кўз тўрпардасида силжишининг ўзи ҳаракат ҳақида таассурот ҳосил қила олмайди.

Бир кўзни қўл билан тўсиб, иккинчи кўз устидан панжаларимизни секин юргизсак, аксинча, одам кўзининг пассив ҳаракатига тескари йўналишида ҳара-кат қилаётгандек бўлиб туюлади. Демак, кўриниб турган борлиқнинг барқа-рорлиги кўзнинг сушт ҳаракати билан эмас, аксинча, ихтиёрий ҳаракати билан таъминланади.

Ҳақиқий ҳаракатлар ва туюлма ҳаракатлар фарқ қилинади. Теварак-атрофдаги нарсаларни ҳаракатланаётган тарзда зоҳирий сезиш кишида чарчаган ёки маст-аласт холи да пайдо бўлади.

Юқоридагилардан хулоса шуки, диққат-бизнинг барча онгли ҳаракатларимиз ва анланган идрокимизнинг муҳим омилдир.

Диққатнинг тузилиши турлича сифат кўринишлари билан таърифланади. Диққатнинг бу кўринишларини диққатнинг сифати ёки диққатнинг хусусиятлари деб аталади. Диққатнинг тақсимланиши, барқарорлиги, кўчиши ва кўлами шулар жумласига киради. Диққатнинг ҳар хил сифатлари бир-бирига боғлангандир.

Диққатнинг бақарорлиги - жадал диққатнинг сақлаб туриши давомийлиги билан белгиланади ва унинг замон ичидаги таърифидир. Фаолиятнинг нисбатан узоқ вақт мобайнида юксак унумлилиги барқарорлик кўрсатгичи ҳисобланади. Шундай қилиб, диққатнинг бақарорлиги унинг давомийлиги билан ҳам, у юз берган бутун вақт мобайнида қаратилганлиги даражаси билан ҳам белгиланади.

Диққатнинг бақарорлиги диққат қаратилган объектларнинг хусусиятларига диққати йўналтирилган шахсларнинг фаоллигига боғлиқ бўлади. Диққатни жалб қиладиган объектларнинг ўзгарувчанлиги, ҳаракатчанлиги диққатни узоқ вақт мобайнида жалб этишнинг муҳим шартидир. Агар объектнинг ўзи ўзгармайдиган бўлса ва агар уни турли жихатдан ўрганиб бўлмаса, у ҳолда бундай объектлар узоқ вақт

мобайнида диққатни жалб қилиш тури ўта мушкулдир. Барча бир хиллик диққатни сусайтириб қўяди.

Объект мураккаблаша борган сари диққатнинг бақарорлиги орта боради. Мураккаб объект фаол фикрлаш фаолиятини тақозо этади. Диққатни жалб этишнинг давомийлиги ҳам ана шунга боғлиқдир. Лекин бу мураккаблик мақбул даражада бўлиши керак, акс ҳолда диққатнинг жалб этилиши кишини тез толиқтириб қўйиши ва унинг диққати сусайиб қолиши мумкин.

Фаолиятга қизиқиш қанчалик кучли бўлса, кишини ўзига қанчалик кўп жалб этса, диққатнинг қаратилиши ҳам шунча узоқ ва жадал давом этади. Киши бажараётган ишнинг муҳимлигини, аҳамиятини англаб етган тақдирда диққат ғоят барқарор бўлиши мумкин.

Диққатнинг кўчиш субъектини бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга, бир объектдан икинчи объектга, бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракатга атайлаб ўтишида намоён бўлади. Диққатнинг кўчиш ёки онгли равишдаги хулқ-атвор, фаолият-нинг талабларига (муайян фаолиятнинг ўзида бир объектдан, бир ҳара-катдан бошқаларига ўтиш чоғида), ёхуд ўзгариб кетаётган шарт-шароитларга мувофиқ тарзда янги фаолиятга киришиш заруриятига боғлиқ бўлади ёки дам олиш (олдинги иш кишининг чарчатиб қўйса) мақсадида амалга оширилади. Фақат объектлар ва жараёнлар ўзгариб, фаолият эса узоқ вақт давомида ўзгармасдан қолган ҳолларда диққатнинг бақарорлиги доирасида унинг кўчиши юз беради. Бундай кўчиш узоқ вақт давом этадиган иш пайтида чарчашнинг олдини олади ва шу билан диққатнинг бақарорлиги оширилади, лекин бу тез-тез так-рорланавермаслиги лозим, акс ҳолда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Idrokning yaxlitligi va strukturaliligi manbai bir tomondan, aks ettiriladigan ob'yektlarning o'ziga xos xususiyatlarida va ikkinchi tomondan, insonning konkret faoliyatida gavdalanadi.

Idrokning narsalar bilan qilinadigan faoliyat jarayonida shakllanadigan konstantligi–kishi hayoti va faoliyatining zarur shartidir. Busiz inson cheksiz rang–barang va o'zgaruvchan olamda mo'ljal ola bilmasdi. Konstantlik xususiyati narsaning va uning yashash sharoitining birligini aks ettirar ekan, tevarak–atrofdagi olamning nisbatan barqarorligini ta'minlaydi.

Kishining idroki uning tafakkuri bilan uzviy bog'liq, narsani ongli idrok etish–unga fikran nom berish, sinfga kiritish, uni suz vositasida umumlashtirish demakdir. Idrok sub'yektning bundan oldingi tajribasiga bog'liq bo'ladi. Kishining tajribasi qanchalik boy bo'lsa, uning bilimlari qanchalik ko'p bo'lsa, uning idroki ham shunchalik boy bo'ladi, bunda u shunchalik ko'p narsalarni ko'ra oladi. Idrokning mazmuni kishi oldiga qo'yilgan vazifa bilan ham, uning faoliyat sabablari bilan ham belgilanadi. Sub'yektning ustanovkasi (yo'l–yo'riqi) idrokning mazmuniga ta'sir qiluvchi omil hisoblanadi. Idrok etish jarayonida idrok mazmunini o'zgartirib yuborishi mumkin bo'lgan his hayajonlar ham mavjuddir. Bu sabablarining hammasi kishini idrokning boshqarish mumkin bo'lgan faol jarayon ekanligini anglatadi.

Idrokning ushbu turlari mavjud: ko'rish, eshitish, paypaslab ko'rish, kinestezlik, xidlash va ta'm bilish yo'li bilan idrok qilish. Shuningdek fazoni idrok etish, vaqtni idrok etish va harakatni idrok etish kabi turlarini ajratib ko'rsatish mumkin.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, shaxs idrok qilishi jarayonlariga xos bo'lgan bir nechtaq onuniyatlarni belgilaymiz:

A. Ob'yekt va fonning ilgarigi harakatga bog'liqligi qonuni. Bu qonunning ma'nosi : odam ilgarigi tajribasida bo'lgan, bevosita to'qnash kelgan narsalarini idrok qilishga moyil bo'ladi. Agar biror predmetni u ilgari figura sifatida idrok qilgan bo'lsa, demak, keyingi safar ham uni aynan figuraday idrok qiladi, agar fon

bo'lgan bo'lsa, tabiiy, fonday qabul qiladi. Bu qonunning hayotdagi o'zni chet davlatlarda borgan turistlar tajribasiga tayanib tushuntirilishi mumkin. O'zbekistonliklar Yer kurrasining qaysi burchagida bo'lmasin, o'zbek do'ppisi yoki atlas ko'ylakni juda tez ilg'ab oladilar va suyunib ketadilar ham. Yonidagi sheriglari o'zbek bo'lsa ham, aynan do'ppili o'zbekni ko'rib, ko'zlari yashnab ketadi. Boshqa millat vakillari, masalan, nigeriyalik ham milliy ko'ylagida yurgan bo'lishi mumkin, lekin o'zbek turist uchun bu kiyim fon edi, fonligichaqoladi ham.

B. Idrokning konstantligi qonuni. Bu qonun ma'lum ma'noda oldingisiga bog'liq. Ya'ni bunda ham ilgari tajriba katta rol o'ynaydi. Ma'nosi : odam o'ziga tanish bo'lgan narsalarni o'sha xossa va xususiyatlar bilan o'zgarishsiz idrok qilishga moyildir. Masalan, samolyot ichida o'tirib yerga qaraganmisiz? Avtomobil yo'llari, ularda harakat qilayotgan mashinalar kichkina ko'rinadi, lekin biz ularni hozir kichrayib qolgan, deb idrok qilmaymiz-ku? Aslida ko'zqorachig'imizdagi aks kichkina bo'lsa-da, ularni o'zimiz "to'g'rilab" alohida predmetlar sifatida idrok qilaveramiz.

Bu o'rinda bir etnografning Afrikadagi kuzatishi xarakterli. U kunlarning birida pigmeylar deb ataluvchi qabila vakillaridan biri biri bilan quyuq o'rmondan chiqqan (bu qabilaning umri qalin o'rmonda o'tadi). Ro'parada yaylovda sonsiz mollar podasi o'tlab yurgan bo'lgan. Etnograf ularni oddiy mollar podasi sifatida idrok qilgan, pigmey esa ularni chumolilarga o'xshatib, ularning ko'pligi va kichikligidan hayratlangan. Olimda idrokning konstantligi namoyon bo'lgan bo'lsa, uning sherigida uning buzilganligi kuzatilgan.

Demak, idrokimizning konstantligi, ya'ni ilgari tajriba asosida narsalarning xossa va xususiyatlarini o'zgartirmay, turg'un xolda yaxlit tarzda idrok qilish xususiyati bizga tashqi muhitda to'g'ri moslashuvimiz, narsalar dunyosida adashmasligimizni ta'minlaydi. Konstantlik - "constanta" so'zidan olingan bo'lib, o'zgarmas, doimiy degan ma'noni bildiradi.